

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,**  
**2021.**

<b>Ш.Абдусаторов</b>	
Анъанавий ўзбек таомларидаги ўзгаришлар ва ундаги новациялар .....	179
<b>А.Акбаров, Д. Абдуллаева</b>	
“Билса эди чечаклар, гуллар...” .....	183
<b>Д.Хошимова, М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий ифодаларнинг прагматик тадқиқи .....	186
<b>К.Марасулов</b>	
Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши .....	189
<b>М.Мўминова</b>	
«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятлари .....	193
<b>М.Хусанова</b>	
Фарида Афрўз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни оширувчи восита сифатида .....	196
<b>Д.Исроилова, Н.Ашурова</b>	
Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари .....	200
<b>Д.Юлдашева</b>	
Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши .....	204
<b>З.Акбарова</b>	
Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир .....	207
<b>Ғ.Раҳмонов</b>	
Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик тамойилининг амал қилиши .....	209
<b>Ш.Алиева</b>	
Тил ва нутқ ҳодисалари .....	213
<b>М.Ҳожиева</b>	
Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида .....	217
<b>Ш.Дадабаева</b>	
Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши .....	220
<b>Д.Турдалиева</b>	
Мақолларнинг прагматик функционаллиги .....	223
<b>А.Мусаев</b>	
Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи .....	226

---

 ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
 

---

Илмга бахшида умр .....	229
-------------------------	-----

УДК: 41+8.08

## МАТНДА АЛЛЮЗИВ НОМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

## ВЫРАЖЕНИЕ АЛЛЮЗИВНЫХ ИМЕН В ТЕКСТЕ

## EXPRESSION OF ALLUSIVE NAMES IN THE TEXT

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна – Фарғона давлат университети,  
филология фанлари номзоди, доцент.

**Аннотация**

Мақолада аллюзив номлар муайян бир халқнинг тарихий тараққиётини, адабий-бадвий меросини чуқур билишни талаб этадиган матннинг услубий фигураси эканлиги мисолларда таҳлил этилган.

**Аннотация**

В данной статье аллюзионные имена анализируются на примерах как методологическая фигура текста, что требует глубокого знания исторического развития, литературного и художественного наследия того или иного народа.

**Annotation**

In this article, allusive names are analyzed in the examples as a methodological figure of the text, which requires a deep knowledge of the historical development, literary and artistic heritage of a particular nation.

**Таянч сўз ва иборалар:** аллюзив ном, услубий фигура, адабий матн.

**Ключевые слова и выражения:** аллюзионное имя, стилистическая фигура, художественный текст.

**Keys words and expressions:** allusive name, stylistic figure, literary text.

Аллюзив номлар прецедент бирликлар функционал турларидан бири бўлиб, тилшуносликда услубий фигура, лингвокультурологияда эса маданий-семиотик майдонларни туташтирувчи, муаллиф хоҳиш-ихтиёрига кўра матннинг бошқа адабий матн ва маълумотлар билан боғловчи восита сифатида талқин этилади. Бунда аллюзив номларнинг адабий фактга ҳамда турли ижтимоий-тарихий фактга ишора қилиши кузатилади. [1]

Аллюзив номлар халқнинг маданий тараққиётига, маълум воқеликларга ишора қилиши билан ажралиб туради. Бундай номлар қатнашган матнни тушуниш учун билим ва муайян воқеликдан хабардор бўлиш зарур. Масалан, Анвар Обиджон ижодида қуйидаги сатрлар учрайди:

Фоний дунё Нухни сотган жонбозор,  
Умринг молдир, ҳар бир лаҳза жонфуруш.  
Ақлингни йиғ, ҳоврингни бос, бўл иқрор:  
Бугунинг – буғ,  
Эртанг – сароб,  
Кечанг – туш. (А.Обиджон. “Фоний дунё...”)

Шоирнинг юқоридаги шеърий сатрларини тушуниш учун ўқувчи Қуръони каримда келтирилган “Нух” сураси ёки Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарига “Ҳазрати Нух алайҳиссалом воқеалари” мазмуни билан таниш бўлиши керак. Мазкур асарлар аллюзив манба сифатида хизмат қилади.

А.Обиджон эса айни шу адабий маълумотни тўрт сатрга жамлайди, биринчи шеърий сатрдаги : *Фоний дунё Нухни сотган жонбозор*, жонбозор лексемаси, тузилиши жиҳатидан ясама сўз бўлиб, от+от шаклида ясалган, контекстдаги маъноси: Ҳазрат Нухнинг дуоибандини, яъни қанча пайғамбарлар, авлиёлар, олим ва зоҳидлар, солиҳ ва фозиллар, тақводорлар туғилиши мумкин бўлган халқни дуоибанд қилганлиги, Нух пайғамбарнинг Фоний дунё савдосига аралашиб қолганига ишора қилади. Агар ўқувчи “Қиссаси Рабғузий” асарини ўқиган бўлса, унда ёзилишича, Нух алайҳиссаломнинг асли исми Шокир бўлиб, кўп наҳфа(а) тортганликлари учун Нух аталганлиги, кўп йиғлашларининг учта сабаби бўлганлиги:

*Биринчи сабаби:* Бир куни шайтон алайҳилаъна қошларига келиб, миннатдорлик қилди. Ҳазрат Нуҳ айтдилар: Эй маълун, нечун бунчалик хушнудсан? Эй Нуҳ, сенинг дуоинг билан бутун ер юзи халқи сувга ғарқ бўлиб, дўзахи бўлди. Шунинг учун хурсанд бўлдим. Агар сен дуоибад қилиб, уларни йўқ қилмасанг эди, буларнинг ичидан қанча пайғамбарлар, авлиёлар, олим ва зоҳидлар, солиҳ ва фозиллар, тақводорлар вужудга келар эди. Менга ҳар кунда минг бора лаънат айтар эди. Зеро, ҳаммаси йўқ бўлди. Менга сендек ҳеч ким хизмат қилган эмас. Нуҳ алайҳиссалом дуоибад қилганидан афсусланиши;

*Иккинчи сабаби:* Яна бир куни Нуҳ олдига ит рўбарў бўлади. Уни пайғамбар бадшакл деб қувлайди. Шунда ит тилга кириб: - Сен нақшни айблайсанми? Ёки наққошними? - дейди. Нуҳ алайҳиссалом яна сўзларига пушаймон бўлиши;

*Учинчи маротаба афсусланишининг сабаби:* Оллоҳ таоло буюради: “ – Эй Нуҳ, сен кўп кўза ва обдаста ясагин. Нуҳ алайҳиссалом минг машаққат билан кўза ва обдасталар ясайди. Кейин ҳаммасини синдиргин, деб фармон бўлади. Синдириб бўлиб, меҳнатимни зое қилдинг, деб ачинади.

Шунда бир садо келади: - Эй Нуҳ, сен бир неча жонсиз кўза учун ачинасан. Менинг бандаларим мағрибдан машриққача тўла эди. Ҳаммасини йўқ қилгин дединг, йўқ қилдим. “Нега йўқ қиламан?” демадим-ку!

Бу сўздан хижолат бўлиб, яна йиғлаши аллюзив воқеликни юзага чиқаради.

Муаллиф А.Обиджон Нуҳ пайғамбар орқали адабий фактга ишора қилади, яъни аллюзив ном сифатида ономастик бирлик икки маданий-семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи воситага айланади. Жумладан, шоирнинг кейинги: *Умринг молдир, ҳар бир лаҳза жонфуруш* сатрлари яна умрнинг ўткинчи, жоннинг омонат эканлигини ифодалайди. Ундаги *жонфуруш* лексемаси ясама сўз бўлиб, жон сотувчиси ҳар лаҳзада ҳаётни бой бериши мумкинлиги таъкидланади.

*Ақлингени йиғ, ҳоврингени бос, бўл иқро:*

*Бугунинг – буғ, эртанг – сароб, кечанг – туш,* сатрлари эса 950 йил умр кўрган Нуҳ алайҳиссаломнинг “Дунёни икки эшикли уй билдим, бир эшиқдан кириб, иккинчи эшиқдан чиқдим”, деган жумлаларини яна бир бор эслатади.

Аллюзив номлар нафақат шахс номлари, балки нарса-предметларнинг атоқли отлари – ономастик бирликлари бўлиши мумкин.

Болалар шоири Қудрат Ҳикматнинг қуйидаги сатрларида қўлланилган *дўппи* сўзини аллюзив ном сифатида талқин этиш мумкин.

Бола эдик бир вақтлар  
 Бошда кир-чир дўппимиз,  
 Боғ кўчада юрардик  
 Ялангоёқ кўпимиз. (“Бола эдик”)  
 Сарик, пушти, пистоқи  
 Ироқи дўппим  
 Рангларга бой ипаги  
 Ироқи дўппим  
 Ундан бутун кўркини  
 Олган баҳор, ёз,  
 Кийсам кулиб боқишар,  
 Ироқи дўппим. (“Дўппи”)

Нарса-буюмларнинг атоқли отлари аллюзив ном сифатида талқин этилганда “ироқи дўппи” - ономастик бирлиги қуйидаги вертикал маълумот билан боғланади, яъни ироқи дўппи дастлаб Шаҳрисабзда урф бўлиб, сўнгра бошқа шаҳар ва қишлоқларга тарқалган, кейинчалик бу дўппи ҳам ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланган халқ амалий саънатининг энг кўп тарқалган ва оммалашган тури – астари юмшоқ ёки қаттиқ бўлган бош кийими бўлиб, ўзбек миллий кийим бошларининг ажралмас қисмларидан бири сифатида халқнинг ҳаётига, анъаналарига сингиб кетганлиги аксарият маълум бўлган аллюзия саналса, қадимда Амир Темур Ироқдан турли ҳунармандлар қаторида дўппидўзларни Самарқандга келтириб, уларга ҳомийлик қилганлиги, биринчи ироқи дўппи нусхасини Амир Темур чизиб берганлиги ҳамда унинг “дўппи ироқи” деб ном олганлиги кейинги аллюзия саналиб, сўзнинг кумулятив вазифасини юзага чиқарган.

Ўзбек лингвомаданиятида халқ оғзаки ижоди матнларидаги номлар нолисоний омиллар, халқ тарихи ва маданиятидан хабардор бўлишликни талаб қилади. Масалан:

*Ота- онанг эшиги Боғдод эшик, алла,  
Кирганигда сочингдан силар эшик, алла.  
Қайнонани эшиги Хувайдо эшик, алла,  
Кирганигда сочингдан юлар эшик, алла.*

“Боғдод эшик” ва “Хувайдо эшик” бир-бирига контекстуал антоним бўлиб, Боғдод аллюзив топоним сифатида эски шаҳар, унда катта-кичик уйлар, кўчалари кўп, турли яширин, беркиниш мумкин бўлган кенг жой маъносини ифодаласа, Хувайдо аллюзив антропоними форс-тожикча сўз бўлиб, аниқ, равшан, очиқ ошкор кўриниб турадиган жой маъносида келиб, барча айб ва нуқсонлар кўринадиган маскан, яъни матнда ота уйида камчиликлар яширинса, қайнона уйида барчаси кўриниб туради, деган маънони англаш мумкин. Хувайдо ва Боғдод аллюзив ном сифатида алла матнида антитезани юзага чиқарувчи контекстуал антоним сўз–антитезали синтактик конструкцияни ҳосил қилган. Натижада, антитезали синтактик конструкциялар мазмунан икки қутбга ажралиб, уларнинг бири иккинчисини инкор этган.

Кўринадики, аллюзив номлар муайян бир халқнинг тарихий тараққиётини, адабий-бадий меросини чуқур билишни талаб этадиган матннинг услубий фигурасидир. У прецедент бирликлар турига кириб, матнни бошқа матнлар билан бирга ҳаракатлантирувчи, муаллифнинг муайян мақсадини юзага чиқарувчи, ўқувчи идроки ва дунёқараши, билимини талаб этадиган воситадир.

#### Адабиётлар:

1. Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // [www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm](http://www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm).
2. Қудрат Ҳикмат. Олмос менинг юрагим. – Т.: Ёш гвардия, 1983.
3. Анвар Обиджон. Сайланма. - 2017 йил.
4. Ўзбек тили стилистикаси – Т. 1983.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)